

“КЕЛИШИЛГАН”

**Ўзбекистон велосипед спорти
федерацияси бош котиби**





_____ **К.Уринбойхужаев**
“ ” _____ **2021 йил**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Ўзбекистон Республикаси
жисмоний тарбия ва спорт
вазирининг биринчи ўринбосари**




_____ **Р.Ирматов**
“ ” _____ **2021 йил**

**Спортнинг велоспорт-шоссе, велоспорт-трек, велоспорт-ВМХ
турлари бўйича Ўзбекистон чемпионати, Ўзбекистон кубоги ҳамда
Республика турнирлари мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги**

Н И З О М

Тошкент-2021

**Спортнинг велоспорт-шоссе, велоспорт-трек, велоспорт-ВМХ
турлари бўйича Ўзбекистон чемпионати, Ўзбекистон кубоги ҳамда
Республика турнири мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги**

НИЗОМ

Мазкур Низом велоспорт спорт тури бўйича республика спорт мусобақаларининг (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) мақсади асосий вазифалари, спорт мусобақалари жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, ўтказишга раҳбарлик қилиш, молиялаштириш, шунингдек мусобақа чемпиони. голибива совриндорларини тақдирлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар терма жамоалари, велоспорт клублари ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган ходимларидан шаклланган терма жамоалар иштирок этишлари мумкин.

2. Мусобақалар халқаро велосипедчилар Иттифоқи (UCI) томонидан тасдиқланган мусобақа қоидаларига асосан ўтказилади ва ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади. Мусобақани ўтказиш учун ҳакамлар ҳайъати таркиби Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (бундан буён матнда вазирлик деб юритилади) томонидан тасдиқланади.

3. Мусобақаларни ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорларива фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилинади.

II. Мусобақанинг мақсад ва вазифалари

4. Мусобақанинг мақсади спортчиларни велоспорт спорт турига жалб қилиш натижасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, велоспорт спорт турини аҳоли ўртасида оммалаштириш ва уни янада ривожлантириш, мусобақаларни ўтказиш орқали иқтидорли спортчиларни саралаб олиб, миллий терма жамоа таркибига киритишдан иборатдир.

5. Мусобақаларнинг вазифаси Республика ҳудудлари ва спорт ташкилотларида турли ёш тоифаларида велоспорт спорт тури бўйича спортчиларнинг тайёргарлик даражасини аниқлаш ва уларни саралаб олиш, Ўзбекистон миллий терма жамоалари таркибини шакллантириш, шунингдек велоспорт спорт тури бўйича кучли спортчиларни аниқлаш, тренер ва ҳакамларнинг малакасини ошириш, ўтказиладиган мусобақалар

натижаларини таҳлил қилиш орқали камчиликларни бартараф этишдан иборат.

III. Мусобақани ўтказишга раҳбарлик

6. Мусобақаларни ўтказишга умумий раҳбарлик вазирлик томонидан ҳамда бевосита раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси (бундан буён матнда федерация деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

7. Мусобақани ўтказишда ҳакамлар ҳайъати таркиби федерация томонидан вазирликка тақдим қилинади. Ҳакамлар ҳайъати таркиби Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

8. Мусобақаларни адолатли ва шаффоф ҳолда ўтказилиши ҳакамлар ҳайъати зиммасига юклатилади.

9. Мусобақада иштирок этувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва расмийлаштириш федерация томонидан амалга оширилади.

IV. Мусобақани ўтказиш жойи ва муддати

10. Мусобақа Республика ҳудудида амалдаги Халқаро велосипедчилар Иттифоқи (UCI) (бундан буён матнда халқаро велосипедчилар Иттифоқи деб юритилади) қоидалари асосида ўтказилади.

11. Вазирликнинг 2021 йил учун спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режасига асосан спортнинг велоспорт спорт тури бўйича мусобақалар рўйхати мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ, спортнинг велоспорт-шоссе, велоспорт-трек, велоспорт-ВМХ турлари бўйича ўтказиладиган мусобақалар дастури 2-иловага мувофиқ амалга оширилади.

12. Мандат комиссиясининг иш вақти, санаси ҳамда жойи мусобақа дастурида кўрсатиб ўтилади.

V. Мусобақада иштирок этиш шартлари

13. Мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар босқичи чемпионат ва кубокларида чемпион, ғолиб ва совриндор бўлган ҳамда иқтидорли спортчилардан ташкил топган вилоят терма жамоалари, спорт жамиятлари, спорт ташкилотлари ва спорт клубларини иштирок этишига рухсат этилади. Ўзбекистон чемпионати, Ўзбекистон кубоги ва Ўзбекистон очик турнирлари бундан мустасно.

14. Мусобақа иштирокчиларининг ёш тоифалари халқаро велосипедчилар Иттифоқи томонидан тасдиқланган норма ва талабларга кўра амалга оширилади.

15. Мусобақа ҳакамлари, тегишли мутахассислар, тиббиёт ходимлари мазкур йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги таркибда белгиланади.

16. Велосипед спорт тури хусусияти ҳамда мусобақа даражасидан келиб чиқиб, мусобақада иштирок этиш учун спорт разряди (даражаси) ёки бошқа бир чегара кўрсатиб ўтилади (агар улар мавжуд бўлса).

17. Спорт мусобақасида спортчилар ва тренерлар Халқаро велосипедчилар Иттифоқи томонидан тасдиқланган мусобақа қоидаларига, ҳамда Ўзбекистон велосипед спорти федерациясининг регламентига асосан белгиланган спорт кийимида иштирок этишлари шарт.

18. Мусобақага ҳакамлар ва тренерлар йиғилганидан фойдаланиб семинар, мастер-класслар ҳамда дасхат сессиялари ўтказилиши мумкин.

VI. Мусобақани ўтказиш шартлари

19. Мусобақани ўтказиш шартлари спорт турининг хусусияти, халқаро норма ва талаблардан келиб чиқиб белгиланади. Мусобақанинг тегишли тартиб ва қоидалари 2020 йил 27 ноябрь кунидаги велоспорт шоссе ва трек тури бўйича тренерлар кенгашининг 30-сонли йиғилиш баёнида муҳокама қилинган ва жамоаларнинг вакиллариغا етказилган.

20. Мусобақалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тадбирини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ташкил этилади.

21. Ўзбекистон чемпионатларида иштирок этиш учун ҳудудий терма жамоа таркиблари ҳудудий чемпионат ва кубокларда иштирок этиб чемпион, ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар орасидан шакллантирилади ва улар ўртасида республика (финал) босқичи ўтказилади.

22. Мусобақанинг ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирининг буйруғи билан тасдиқланган мусобақанинг бош ҳаками зиммасига юклатилади.

23. Мусобақа низомининг тегишли бандларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда мусобақалар бошланишидан 3 кун олдин мусобақа иштирокчиларига тақдим этилади.

VII. Мусобақада иштирок этиш учун талабнома (буюртма)ларни тақдим этиш шартлари

24. Ўзбекистон велосипед спорти федерациясининг меъёр ва талаблари асосида талабномаларни тақдим этиш шакли мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ жамоалар томонидан мандат комиссиясига асл нусхада тақдим этилади.

25. Мусобақада иштирок этиш учун спортчилардан Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси қоидалари асосида велоспорт спорт турининг хусусиятларидан келиб чиқиб қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилади:

- а) спортчининг (UCI) лицензияси;
- б) спортчиларнинг суғурта варақаси;

в) тиббиёт муассасасининг шифокор томонидан спортчининг мусобақада иштирок этишига рухсат берилиши (имзо ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда);

г) ҳудудий жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси томонидан тасдиқланган ҳамда ҳудудий федерациялар билан келишилган талабнома.

26. Мусобақада иштирок этиш учун талабнома, мусобақа бошланишидан 10 кун олдин Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Мухбир кўчаси, 12-уй манзилига (71228-4097, 909717700, 935248572, 903205566 телефон рақамларига, rshvsm@bk.ru электрон манзили, 712284098 факс рақамига) топширилади.

VIII. Мусобақани молиялаштириш манбалари

27. Мусобақа ўтказилишининг молиялаштириш шартлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 апрелдаги “Терма жамоалар ҳамда уларнинг захирасини спорт мусобақаларига тайёрлашни, шунингдек уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 121-сон қарори билан тасдиқланган “Терма жамоалар ҳамда уларнинг захираси спортчилари ва тренерларининг энергия сарфларини қоплашга ва жисмоний ресурсларини тиклаш учун мақсадли пул (молиявий) маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисида” НИЗОМнинг 18 ва 19 бандларига асосан сарф –харажатлар вазирлик томонидан, айрим ҳолларда спорт федерация (ассоциация) ва ҳомийлар томонидан қопланиши мумкин.

Мусобақанинг иштирокчилари – спортчилар, тренерларнинг овқатланиши, ётоқхона ва йўл харажатлари сафарга юборган ташкилотлар томонидан қопланади.

28. Мусобақани молиялаштирилиши юзасидан ушбу Низомнинг молиялаштириш шартларига вазирлик томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

IX. Мусобақа натижалари юзасидан берилган мурожаатларни кўриб чиқиш

29. Мусобақа натижалари бўйича берилган мурожаатларни кўриб чиқиш учун федерациянинг ижроия кўмитаси томонидан кўриб чиқиб қарор қабул қилинади.

30. Мусобақа натижаси бўйича мурожаатлар жамоанинг тренери томонидан пойга тугагандан сўнг мусобақа бош ҳақамига тақдим этилади.

31. Берилган мурожаатлар федерациянинг ижроия кўмитаси томонидан ўрганиб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниши бир иш кунида белгиланади.

32. Қабул қилинган қарор натижаси бўйича ижроия кўмитаси томонидан мурожаат қилган тренерга бир иш куни ичида ёзма (ёки оғзаки) тартибда жавоб берилиши маълум қилинади.

33. Федерациянинг ижроия кўмитаси мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра мусобақа натижасини бекор қилиши ёки унга тегишли ўзгартириш киритиши мумкин.

34. Федерациянинг ижроия кўмитаси мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилган қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Х. Мусобақа ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш

35. Мусобақаларнинг ғолиб жамоалари федерация томонидан кўчма кубок билан тақдирланади.

36. Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 апрелдаги “Терма жамоалар ҳамда уларнинг захирасини спорт мусобақаларига тайёрлашни, шунингдек уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 121-сон қарори билан тасдиқланган “Терма жамоалар ҳамда уларнинг захираси спортчилари ва тренерларининг энергия сарфларини қоплашга ва жисмоний ресурсларини тиклаш учун мақсадли пул (молиявий) маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисида” НИЗОМнинг 18 ва 19 бандига асосан вазирлик томонидан, айрим ҳолларда спорт федерация (ассоциация) ва хомийлар томонидан тақдирланиши мумкин.

ХІ. Якуний натижалар таҳлили

37. Федерация ўтказилган мусобақалар тўғрисида вазирлик томонидан тасдиқланган ҳисобот шакли бўйича вазирликка мусобақа тугагандан сўнг 3 кун муддат ичида мусобақанинг якуний натижалари юзасидан молиявий ва техник ҳисоботларни тақдим этади.

**Спортнинг қишки ва мураккаб
Техник турлари бўйича
Республика олий спорт маҳорати
мактаби директори**



А.Юсупов

**Велосипед спорти миллий терма
жамоаси тренери**

С.Лагутин

Спортнинг велосипед спорт тури бўйича
Ўзбекистон чемпионати, Ўзбекистон кубоги ҳамда
Республика туринири мусобақаларини ўтказиш
тўғрисидаги низомига
1-ИЛОВА

**Спортнинг велосипед спорт тури бўйича
мусобақалар рўйхати**

| Велоспорт-шоссе | |
|------------------------|--|
| 1 | Эркаклар ўртасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Б.Муминов хотирасига бағишланган Республика очик кўпкунлик велопойга турнири |
| | Февраль Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Жиззах вилояти |
| 2 | Владислав Искандаров Хотирасига Очик Халқаро турнир |
| | Февраль Тошкент вилояти |
| 3 | Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси баҳорги кубоги |
| | Март Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Жиззах вилояти |
| 4 | 2005-2006 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида кўпкунлик велопойга бўйича очик Ўзбекистон чемпионати |
| | Март Самарқанд вилояти, Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Жиззах вилояти |
| 5 | Эркаклар ўртасида кўпкунлик велопойга бўйича Ўзбекистон чемпионати |
| | Апрель Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Жиззах вилояти, Самарқанд вилояти |
| 6 | 2003-2004 йилларда туғилган ёшлар ва ёш қизлар, 2005-2006 йилларда туғилган ўсмирлар ва ўсмир қизлар, 2007-2008 йилларда туғилган кичик ёшдаги ўсмирлар ва кичик қизлар ўртасида яккалик, жамоа ва гурух пойгалари бўйича Ўзбекистон чемпионати |
| | Май Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Жиззах вилояти, Самарқанд вилояти, Сирдарё вилояти |
| 7 | Эркаклар, андерлар ва аёллар ўртасида яккалик, критериум жамоа, жуфтлик ва гурух пойгалари бўйича Ўзбекистон чемпионати |
| | Июнь Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Жиззах вилояти, Самарқанд вилояти, Наманган вилояти |
| 8 | 2007-2008 йилларда туғилган кичик ёшдаги ўсмирлар ўртасида кўпкунлик велопойга бўйича Ўзбекистон чемпионати |
| | Август Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Жиззах вилояти, Самарқанд вилояти, Сирдарё вилояти |
| 9 | 2003-2004 йилларда туғилган ёшлар ўртасида кўпкунлик велопойга бўйича Ўзбекистон чемпионати |

| | | |
|-----------------------|---|--|
| | Сентябрь | Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Жиззах вилояти, Самарқанд вилояти, Сирдарё вилояти |
| 10 | Эркаклар ва аёллар ўртасида яккалик, жамоа, критериум, жуфтлик ва гуруҳ пойгалари бўйича Ўзбекистон кубоги | |
| | Октябрь-ноябрь | Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Жиззах вилояти, Самарқанд вилояти, |
| Велоспорт-трек | | |
| 1 | Эркаклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи А.Юдин хотирасига бағишланган Республика очик турнири | |
| | Март | Тошкент шаҳри, Наманган шаҳри |
| 2 | 2005-2006 йилларда туғилган ўсмирлар ва ўсмир қизлар, 2007-2008 йилларда туғилган кичик ёшдаги ўсмирлар ва кичик қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати | |
| | Май | Тошкент шаҳри, Наманган шаҳри |
| 3 | Эркаклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати | |
| | Июнь | Тошкент шаҳри, Наманган шаҳри |
| 4 | Эркаклар ва аёллар ўртасида Х.Иноятов хотирасига бағишланган очик Республика турнири | |
| | Август-сентябрь | Тошкент шаҳри, Наманган шаҳри |
| 5 | Эркаклар, аёллар ва 2003-2004 йилларда туғилган ёшлар ва ёш қизлар ўртасида Омниум бўйича Ўзбекистон чемпионати ва 2006-2007 йилларда туғилган кичик ёшдаги ўсмирлар ва қизлар ўртасида очик Республика мусобақалари | |
| | Август-сентябрь | Тошкент шаҳри, Наманган шаҳри |
| 6 | 2003-2004 йилларда туғилган ёшлар ва ёш қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ва 2007-2008 йилларда туғилган кичик ёшдаги ўсмирлар ва кичик қизлар ўртасида Республика турнири | |
| | Август-сентябрь | Тошкент шаҳри, Наманган шаҳри |
| 7 | Эркаклар, аёллар ва 2005-2006 йилларда туғилган ўсмирлар ва ўсмир қизлар ўртасида Федерация кубоги | |
| | Октябрь-ноябрь | Тошкент шаҳри, Наманган шаҳри |
| 8 | Эркаклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон кубоги | |
| | Октябрь-ноябрь | Тошкент шаҳри, Наманган шаҳри |

Спортнинг велосипед спорт тури бўйича
Ўзбекистон чемпиони, Ўзбекистон кубоги ҳамда
Республика туринири мусобақаларини ўтказиш
тўғрисидаги низомига
2-ИЛОВА

**Спортнинг велоспорт шоссе йўналиши бўйича ўтказиладиган
мусобақалар дастури**

| Мусобақа санаси | | | | | | | | |
|---|---|------------------------|-----------------------|------------------------------|------------------------------|-----------------------------|---|--|
| 09.00 - 16.00 | Худудлардан келадиган жамоаларни кутиб олиш ва жойлаштириш | | | | | | | |
| 10.00 - 12.00 | Мандат комиссияси фаолияти | | | | | | | |
| 16.00 - 17.00 | Семинар ва мастер класслар | | | | | | | |
| Об-хаво нокулай келиши, мусобақани трассада ўтказиш учун Президент давлат хафсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат автомобиль назорати бошқармаси томонидан рухсат берилишига қараб мусобақа кунлари ва вақти ўзгариши мумкин | | | | | | | | |
| Мусобақанинг очилиш маросими | | | | | | | | |
| Мусобақа 3-6 кунгача давом этиши мумкин | | | | | | | | |
| Пойга тури | Хар бир пойгамасофа ва ёш тоифасига ажратилиб ўтказилади | | | | | | | |
| Шахсий пойга вақтга | Эркаклар 20-50 км | Аёллар 15-30 км | Ёшлар 20-30 км | Ёш қизлар 15-25 км | Ўсмир лар 15-25 км | Ўсмир қизлар 10-25 км | Кичик ёшдаги ўсмирлар 10-25 км | Кичик ёшдаги ўсмир қизлар 10-20 км |
| Жамоавий пойга | Эркаклар 25-60 км | Аёллар 20-45 км | Ёшлар 20-50 км | Ёш қизлар 15-40 км | Ўсмир лар 20- 50 км | Ўсмир қизлар 15-30 км | Кичик ёшдаги ўсмирлар 20-40 км | Кичик ёшдаги ўсмир қизлар 15-25 км |
| Жуфтлик пойга | Эркаклар 25-50 км | Аёллар 20-45 км | Ёшлар 20-50 км | Ёш қизлар 15-40 | Ўсмир лар 20-50 | Ўсмир қизлар 15-30 | Кичик ёшдаги ўсмирлар 20-40 км | Кичик ёшдаги ўсмир қизлар 15-25 км |
| Гуруҳ пойга | Эркаклар 90-175км | Аёллар 40-120 км | Ёшлар 70-130 км | Ёш қизлар 30-100 км | Ўсмир лар 50-100 км | Ўсмир қизлар 30-70 км | Кичик ёшдаги ўсмирлар 35-60 км | Кичик ёшдаги ўсмир қизлар 20-40 км |
| Критериум пойгаси | Эркаклар 50-70 км | Аёллар 30-50 км | Ёшлар 40-60 км | Ёш қизлар 25-45 км | Ўсмир лар 30-45 км | Ўсмир қизлар25 -35 км | Кичик ёшдаги ўсмирлар 25-40 км | Кичик ёшдаги ўсмир қизлар 15-20 км |

Спортнинг велоспорт трек йўналиши бўйича ўтказиладиган мусобақалар дастури

| Мусобақа санаси | | | | | | | | |
|---|--|-------------------------|------------------------|----------------------------|---------------------------|------------------------------|---------------------------------------|---|
| 09.00 - 16.00 | Худудлардан келадиган жамоаларни кутиб олиш ва жойлаштириш | | | | | | | |
| 10.00 - 12.00 | Мандат комиссияси фаолияти | | | | | | | |
| 16.00 - 17.00 | Семинар ва мастер класслар | | | | | | | |
| Об-хаво нуқулай келиши мусобақа кунлари ва вақти ўзгариши мумкин | | | | | | | | |
| Мусобақанинг очилиш маросими | | | | | | | | |
| Мусобақа 3-7 кунгача давом этиши мумкин | | | | | | | | |
| Пойга тури | Хар бир пойга масофа ва ёш тоифасига ажратилиб ўтказилади | | | | | | | |
| Шахсий пойга етиб олиш билан | Эркаклар 4 км | Аёллар 3 км | Ёшлар 3 км | Ёш қизлар 3 км | Ўсмирлар 3 км | Ўсмир қизлар 2 км | Кичик ёшдаги ўсмирлар 2 км | Кичик ёшдаги ўсмир қизлар 2 км |
| Жамоавий пойга етиб олиш билан | Эркаклар 4 км | Аёллар 4 км | Ёшлар 4 км | Ёш қизлар 4 км | Ўсмирлар 3 км | Ўсмир қизлар 3 км | Кичик ёшдаги ўсмирлар 3 км | Кичик ёшдаги ўсмир қизлар 2 км |
| Жуфтлик гуруҳ пойга Медисон | Эркаклар 90-150 айлана | Аёллар 60-120 айлана | Ёшлар 60-120 айлана | Ёш қизлар 40-100 айлана | Ўсмирлар 40-100 айлана | Ўсмир қизлар 30-60 айлана | Кичик ёшдаги ўсмирлар 30-60 айлана | Кичик ёшдаги ўсмир қизлар 20-40 айлана |
| Гуруҳ пойга очко йиғиш билан | Эркаклар 60-150 айлана | Аёллар 40-120 айлана | Ёшлар 40-120 айлана | Ёш қизлар 30-100 айлана | Ўсмирлар 30-100 айлана | Ўсмир қизлар 20-60 айлана | Кичик ёшдаги ўсмирлар 20-60 айлана | Кичик ёшдаги ўсмир қизлар 18-40 айлана |
| Гуруҳпойга Скретч | Эркаклар 24-45 айлана | Аёллар 15-30 айлана | Ёшлар 15-30 айлана | Ёш қизлар 15-24 айлана | Ўсмирлар 15-24 айлана | Ўсмир қизлар 10-21 айлана | Кичик ёшдаги ўсмирлар 10-21 айлана | Кичик ёшдаги ўсмир қизлар 8-18 айлана |
| Гуруҳ пойга Темпо | Эркаклар 24-45 айлана | Аёллар 15-30 айлана | Ёшлар 15-30 айлана | Ёш қизлар 15-24 айлана | Ўсмирлар 15-24 айлана | Ўсмир қизлар 10-21 айлана | Кичик ёшдаги ўсмирлар 10-21 айлана | Кичик ёшдаги ўсмир қизлар 8-18 айлана |
| Гуруҳ пойга четлатиш б-н | Эркаклар | Аёллар | Ёшлар | Ёш қизлар | Ўсмирлар | Ўсмир қизлар | Кичик ёшдаги ўсмирлар | Кичик ёшдаги ўсмир қизлар |
| Жамоавий спринт | Эркаклар 3 айлана | Аёллар 2 айлана | Ёшлар 3 айлана | Ёш қизлар 2 айлана | Ўсмирлар 3 айлана | Ўсмир қизлар 2 айлана | Кичик ёшдаги ўсмирлар 3 айлана | Кичик ёшдаги ўсмир қизлар 2 айлана |
| Гит | Эркаклар 1000 м | Аёллар 500 м | Ёшлар 1000 м | Ёш қизлар 500 м | Ўсмирлар 500 м | Ўсмир қизлар 500 м | Кичик ёшдаги ўсмирлар 500 м | Кичик ёшдаги ўсмир қизлар 500 м |
| Гит | Эркаклар 200 м | Аёллар 200 м | Ёшлар 200 м | Ёш қизлар 200 м | Ўсмирлар 200 м | Ўсмир қизлар 200 м | Кичик ёшдаги ўсмирлар 200 м | Кичик ёшдаги ўсмир қизлар 200 м |
| Спринт | Эркаклар | Аёллар | Ёшлар | Ёш қизлар | Ўсмирлар | Ўсмир қизлар | Кичик ёшдаги ўсмирлар | Кичик ёшдаги ўсмир қизлар |
| Омниум | Эркаклар | Аёллар | Ёшлар | Ёш қизлар | - | - | - | - |
| Кейрин | Эркаклар | Аёллар | Ёшлар | Ёш қизлар | - | - | - | - |

Спортнинг велоспорт ВМХ йўналиши бўйича ўтказиладиган мусобақалар дастури

| Мусобақа санаси | | | | | | | | |
|---|--|--|-------|-----------|----------|--------------|-----------------------|---------------------------|
| 09.00 - 16.00 | | Худудлардан келадиган жамоаларни кутиб олиш ва жойлаштириш | | | | | | |
| 10.00 - 12.00 | | Мандат комиссияси фаолияти | | | | | | |
| 16.00 - 17.00 | | Семинар ва мастер класслар | | | | | | |
| Об-хаво ноқулай келиши мусобақа кунлари ва вақти ўзгариши мумкин | | | | | | | | |
| Мусобақанинг очилиш маросими | | | | | | | | |
| Мусобақа 3-7 кунгача давом этиши мумкин | | | | | | | | |
| Пойга тури | Хар бир пойга <u>масофа</u> ва <u>ёш тоифасига</u> ажратилиб ўтказилади | | | | | | | |
| Жамоавий пойга | Эркаклар | Аёллар | Ёшлар | Ёш кизлар | Ўсмирлар | Ўсмир кизлар | Кичик ёшдаги ўсмирлар | Кичик ёшдаги ўсмир кизлар |
| Гуруҳ пойга | Эркаклар | Аёллар | Ёшлар | Ёш кизлар | Ўсмирлар | Ўсмир кизлар | Кичик ёшдаги ўсмирлар | Кичик ёшдаги ўсмир кизлар |

Спортнинг велосипед спорт тури бўйича
Ўзбекистон чемпионати, Ўзбекистон кубоги ҳамда
Республика туринири мусобақаларини ўтказиш
тўғрисидаги низомига
3-ИЛОВА

Ҳакамлар хайъати сони

| № | Номи | Велоспорт-шоссе | Велоспорт-трек | Велоспорт-ВМХ |
|---|----------------------|-----------------|----------------|---------------|
| 1 | Бош ҳакам | 1 | 1 | 1 |
| 2 | Бош котиб | 1 | 1 | 1 |
| 3 | Бош ҳакам ўринбосари | 1 | 1 | 1 |
| 4 | Ҳакамлар | 18 | 15 | 15 |
| | Жами: | 21 | 18 | 18 |
| 1 | Трасса бошлиғи | 1 | - | - |
| 2 | Комендант | - | 1 | 1 |
| 3 | Компьютерчи | 1 | 1 | 1 |
| 4 | Алоқачи | - | 1 | 1 |
| 5 | Шифокор | 1 | 1 | 1 |
| 6 | Ишчи | - | 2 | 2 |
| | Жами: | 3 | 6 | 6 |
| | Ҳаммаси: | 24 | 24 | 24 |

Спортнинг велосипед спорт тури бўйича Ўзбекистон
чемпионати, Ўзбекистон кубоги ҳамда Республика
туринири мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги
низомига
4-ИЛОВА

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг ҳудудий
бошқармалари раҳбарлари
_____ Ф.И.Ш.

“КЕЛИШИЛГАН”
Спорт турлари бўйича ҳудудий федерация раҳбари
_____ Ф.И.Ш.

“ ___ ” _____ 20__ йил

“ ___ ” _____ 20__ йил

_____ (ҳудуд номи, спорт тури, мусобақа номи)

ТАЛАБНОМА

| Т/р | Спортчининг Ф.И.Ш. | Туғилган йили | Спорт разряди | Спорт ташкilotи | Тренери Ф.И.Ш. | Шифокор имзоси, муҳр |
|-----|-----------------------|------------------|------------------|--------------------|-------------------|-------------------------|
| 1. | | | | | | |
| 2. | | | | | | |
| 3. | | | | | | |
| 4. | | | | | | |
| 5. | | | | | | |
| 6. | | | | | | |
| 7. | | | | | | |
| 8. | | | | | | |

Тренер
(имзо)

_____ (Ф И Ш)

Врач
(имзо)

_____ (Ф И Ш)